

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

электр қурилмаларини таъмирлаш ишларини бажариш учун

Ишнинг мақсади:

№ 1 иловада кўрсатилган электр қурилмаларининг иш ҳолатини тиклаш.

Ишларни бажариш муддати:

"Ижрочи"нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни ўтказгандан сўнг 20 (йигирма) календар кун ичида.

Таъмирлаш учун электр двигателларни етказиб бериш "Ижрочи" ҳисобидан амалга оширилади.

Бажариладиган ишлар ҳажми:

Электр қурилмаларни таъмирлашда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- электр қурилмани қисмларга ажратиш,
- электр қурилманинг нуқсонини аниқлаш,

-Қўзғалмас қисм (статор) чўлғамини алмаштириш (шикастланган чўлғамни ечиш, пазларни тозалаш, янги чўлғамни тайёрлаш, жойлаштириш, янги чўлғамни котириш, чўлғам учларини изоляциялаш, электр изоляцияловчи лак билан сингдириш, қуриштириш.

- электр синовлари,
- электр қурилмани йиғиш,
- мувозанатлаш,
- электр қурилмани ишлатиб синаб кўриш,
- синовлар ва синов натижаларини расмийлаштириш.
- электр қурилмани бўяш

Бажарилган ишга қўйиладиган талаблар:

Бажарилган ишлар давлат стандартлари, саноатда амалдаги стандартлар ва йўриқномалар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, нормалари ва йўриқномалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Фойдаланилган материаллар янги, тикланмаган бўлиши керак.

Кафолат талаблари:

"Ижрочи" ишларни етказиб бериш ва қабул қилиш вақтида ҳамда электр двигател ишга туширилган кундан бошлаб 12 ой кафолат муддати давомида топилган нуқсон ва нуқсонларни бартараф етишни кафолатлайди.

Етказиб бериш-бажарилган ишларни қабул қилиш:

Таъмирланган электр қурилмаларини қабул қилиш буюртмачи майдонида амалга оширилади.

Етказиб бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ишлари тўлиқ бажарилгандан ва таъмирлаш ҳужжатлари тўлиқ тўплами тақдим этилгандан сўнг икки томонлама далолатнома орқали расмийлаштирилади.

/ "Иссиқлик манбаи" ДУК бош муҳандиси

Ў.Ў. Элов

"Иссиқлик манбаи" ДУК бош энергетиги

Б.К. Суюнов

Таъмир талаб электр двигателлар рўйхати

№	Электродвигател тури	Қуввати (кВт)	Сони, дона	Айланиш тезлиги (об/мин)	Кучланиши (В)
Навий филиал					
1	4АМС132S4	4	1	1470	380
2	ПА-22М	0,125	1	2800	380
3	4А80А4У4	1,1	1	1470	380
4	QDX500-7-1,5K3-F (pogrujnogo nasosa)	1,5	1	3000	220
5	EVN-P50-7-1500-3 (pogrujnogo nasosa)	1,5	1	3000	220
6	МИС 3100 (tormoznaya katushka elektrotali)	-	3	-	220
Учкудук филиал					
1	5АМ280S2	110	1	3000	380
2	5А250S2	75	1	3000	380
Конимех филиал					
1	А180S2 У3	110	1	1470	380
2	5А160S2 У3	15	1	2925	380

“Иссиқлик манбаи” ДУК бош муҳандиси

Ў.Ў. Элов

“Иссиқлик манбаи” ДУК бош энергетиги

Б.Қ. Суёнов